

“Беш ташаббус” олимпиадаси спорт мусобақалари давом этмоқда



Президентимиз томонидан илгари сурилган ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишига бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган “Беш муҳим ташаббус” доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун Қумкўрғон тумани ихтисослаштирилган мактабида “Беш ташаббус” олимпиадасининг иккинчи мавсумида спортнинг шахмат ва шашка тури бўйича мактаб босқичи бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокимининг ўринbosари Нормўмин Алланазаров, мактаб директори Дилфузा Кўзиева ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбир аввалида туман ҳокимининг ўринbosари Нормўмин Алланазаров барча ёшларни “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг маҳалла, сектор ҳамда туман босқичларида муваффақиятли қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишлари учун омад тилади.

“Беш ташаббус” олимпиадаси мусобақасида мактабнинг 5-11-синфларида төхсил олаётган ўқувчилар яккалик (о'г'ил болалар ва қизлар алоҳида) баҳсларда иштирок этишди.